

## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дангасаликка қарши ўргатган дуолари



19:54 / 27.09.2017 13364

Дангасалик – бу муваффақиятсизликнинг боши. Айнан шунинг учун Ислom дангасаликдан огоҳ қилади. Аввалги пайғамбарлар ҳам худди шу тарзда инсонларни дангасалик ва бекорчилик келтирадиган зиён-зарарлардан огоҳлантиришган. Муваффақиятнинг боши ва асосий шарти бўлган меҳнатсеварлик мўмин бандани бошқалардан ажратиб турувчи сифат бўлиб, у дангасаликнинг аксидир. Айнан шу сабабли барча пайғамбарлар астойдил ҳаракат билан меҳнат қилишга даъват этганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан дангасаликдан паноҳ сўраб қуйидаги дуони ўқиганлар

دُوعًا أَوْ لِحُجْبٍ أَوْ مَرَّةٍ أَوْ نُبْحُلٍ أَوْ لِسَكِّلٍ أَوْ زَجَعٍ أَوْ نَمَكٍ أَوْ دُوعًا يِّنِ الْمُجَلِّلِ  
تَامِّمٍ أَوْ أَيِّ حَمَلَةٍ نَّتَفُّنْ مَوْءِدٍ أَوْ بَادِعٍ نَمَكٍ

(маъноси): «Ё Аллоҳ, Сенинг номинг билан ожизликдан, дангасалиқдан, қўрқоқликдан, мункиллаб қария бўлишдан, бахилликдан, қабр азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан паноҳ тилайман»